

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.К.05.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРҒУНБОЕВ ШАВКАТЖОН ШУҲРАТЖОН УҒЛИ**

***BETULA PENDULA* ТАРКИБИДАН БЕТУЛИН АЖРАТИБ ОЛИШ,  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ВА АЙРИМ ҲОСИЛАЛАРИ СИНТЕЗИ**

**02.00.10-Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАҲЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2021 йил**

УДК 547:595. 544.472.3. 902.659.4.

**Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

<b>Турғунбоев Шавкатжон Шухратжон ўғли</b> <i>Betula pendula</i> таркибидан бетулин ажратиб олиш, оптималлаштириш ва айрим ҳосилалари синтези.....	3
<b>Турғунбаев Шавкатжон Шухратжон угли</b> Выделение, оптимизация получения бетулина из <i>Betula pendula</i> и синтез некоторых производных.....	21
<b>Turgunboev Shavkatjon Shukhratjon ogli</b> Isolation, optimization of the production of betulin from <i>Betula pendula</i> and synthesis of some derivatives.....	39
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	43

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.К.05.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРҒУНБОЕВ ШАВКАТЖОН ШУҲРАТЖОН ЎҒЛИ**

***BETULA PENDULA* ТАРКИБИДАН БЕТУЛИН АЖРАТИБ ОЛИШ,  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ВА АЙРИМ ҲОСИЛАЛАРНИ СИНТЕЗИ**

**02.00.10-Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2021 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/K370 рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме). Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хайтбаев Алишер Хамидович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий  
оппонентлар:**

**Абдуллаев Шавкат Ваҳидович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Назаров Отабек Мамадалиевич**  
кимё фанлари буйича фалсафа доктори (PhD)

**Етақчи ташкилот:**

Наманган давлат университети

Диссертация химоёси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.K.05.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «13» 11 соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел: (+99873) 244-44-02, факс: (+99873) 244-44-93, e-mail: [fardu\\_info@umail.uz](mailto:fardu_info@umail.uz)).

Диссертацияси билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (131 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил, 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел: (+99873) 244-44-02. факс: (+99873) 244-44-93).

Диссертация автореферати 2021 йил «1» 11 кuni тарқатилди.  
(2021 йил «1» 11 даги 5 рақамли реестр баённомаси).



**В.У.Хўжаев**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси к.ф.д., профессор

**М.Нисонов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш аъзои котиби, т.ф.н., профессор

**Ш.В.Абдуллаев**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш  
кошидаги Илмий семинар раиси к.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда тиббиёт соҳаси жадал ривожланиб бораётган бир вақтда ўсимликлар таркибидан доривор моддаларни ажратиш олиш ва самарали таъсирга эга бўлган, ноҳужа таъсирлари бўлмаган дори воситаларини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни вақтда турли касалликларни даволашда, синтетик йўл билан олинган моддаларга нисбатан, ўсимликлардан ажратиш олинган моддалар биологик таъсирчанлиги юқорилиги, заҳарлилик даражаси пастлиги ва ноҳужа таъсир кўрсатмаслиги билан ажралиб туради. Шунга кўра, табиий бирикмаларни модификациялаш орқали олинган ҳосилалари орасидан юқори фаолликни намोён қилувчи бирикмаларни ажратиш олиш, улар асосида янги дори воситаларини яратиш алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳонда биологик фаол табиий моддаларни ажратиш олиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, табиий метаболитларни ажратиш олиш усулларини такомиллаштириш, биологик фаолликларга эга бўлган моддаларни янги усуллар ёрдамида ажратиш олиш, таркибидан N сакловчи янги ҳосилалари ва турли сувда эрувчан бирикмалар билан сувда эрувчан супрамолекуляр комплексларини олиш, касалликлар терапиясида лупан қатори тритерпеноидларидан олинган препаратларни қўллашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда маҳаллий хомашёлар асосида янги биологик бирикмаларни ажратиш олиш, уларни модификациялаш орқали янги ҳосилаларини синтез қилиш, улар асосида турли ўсимталарга қарши дори воситаларини яратиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясида «Маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш<sup>1</sup>»га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада бетулин асосида турли хил юқумли касалликларни келтириб чиқарувчи вирус ва бактерияларга қарши қўлланилаётган дори воситаларини синтез қилиш ва уларни тиббиёт соҳасида қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ҳамда 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибадорлигини ошириш» тўғрисидаги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли Фармони.

тегишли бошка меъёрий-хукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Илмий манбааларда берилган маълумотларга қўра, дунё олимлари томонидан бетулин ва унинг турли ҳосилаларини олиш, уларнинг тузилиши, физик-кимёвий хоссалари ва биологик фаолликларини ўрганиш дунё ва республикамик микёсида Г.А.Толстиков, О.Б.Флехтер, Э.Э.Шулц, А.Г.Толстиков, В.А.Левданский, А.В.Левданский, Б.Н.Кузнецов, Т.И.Когай, Е.С.Курбатов, С.В.Курбатов, С.А.Кузнецова, К.Т.Chue, M.S.Chang, L.N.Ten, D.M.Zhang, H.G.Xu, L. Wang, Y.J.Li, P.H.Sun, X.M.Wu, G.J.Wang, W.M.Chen, W.C.Ye, M.C.Юнусов, Д.Н.Далимов, А.Х.Хайтбаев каби олимлар илмий изланишларида ўрганилган бўлиб, ҳозирда ҳам ушбу изланишлар давом эттирилмоқда.

Илмий адабиётларда бетулиннинг тузилиши, унинг ҳосилаларини синтез қилиш, физик-кимёвий хусусиятлари ва биологик фаолликлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Бироқ бетулинни айрим эритувчилар билан экстракция қилиш, фазовий ҳолати, айрим карбон кислоталар билан мураккаб эфирларини олиш ва уларнинг хоссаларини ўрганиш, бетулон алдегиди асосида олинадиган Шифф асослари ва бетулиннинг сувда эрувчан бирикмалар билан турли нисбатларда таъсирлашиши натижасида ҳосил бўладиган супрамолекуляр комплекслар синтези, тузилиши, уларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ҳамда биологик фаоллиги етарли даражада ўрганилмаган.

Шуларни инобатга олиб бир қатор биологик фаолликларга эга бўлган бетулин моддасини янги усуллар ёрдамида ажратиб олиш, унинг мураккаб эфирлари, таркибида N сақловчи янги ҳосилалари ва турли сувда эрувчан бирикмалар (ГКМАТ, ПВП, декстрин, Na-КМЦ) билан сувда эрувчан супрамолекуляр комплексларини олиш ёрдамида кенг терапевтик таъсирга эга бўлган дори воситаларини яратиш йўналишида тадқиқотларни амалга ошириш илмий-амалий аҳамиятга эга.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №Ф-6-05 "Полифенол ва тритерпеноидларнинг янги ҳосилаларининг антибиотиклар таъсирига резистент бўлган патоген бактерияларга қарши фаоллик таъсир механизмини ўрганиш" (2012-2016 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** *Betula pendula* Roth таркибидан турли эритувчилар ёрдамида бетулин моддасини ажратиб олиш усулларини оптималлаштириш ва бетулиннинг айрим ҳосилаларини синтез қилишдан

иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон ҳудудида ўсувчи *Betula pendula* Roth ўсимлиги таркибидан бетулин моддасини турли усуллар ёрдамида ажратиб олиш, фойдаланилган усуллар орасидан оптималини танлаш;

ажратиб олинган экстрактлар таркибини ЮҚХ ва ЮССХ усуллари билан ўрганиш, бетулинни қўшимчалардан қайта чуқтириш ва колонкали хроматография усуллари ёрдамида тозалаш;

бетулиннинг алифатик ва ароматик карбон кислоталар билан диалмашган мураккаб эфирларини, ГКМАТ, ПВП, Na-КМЦ ва декстринлар билан турли нисбатлардаги комплексларини олиш;

бетулинни турли усуллар ёрдамида оксидлаб бетулон кислота ва бетулон алдегидлар синтез қилиш;

бетулон алдегидининг таркибида  $\text{NH}_2$  гуруҳи тутган айрим бирикмалар билан кимёвий модификация қилиш;

синтез қилинган мураккаб эфирлар, супрамолекуляр комплекслар, оксидланиш маҳсулотлари ва Шифф асосларининг индивидуаллиги, тузилиши ва айрим физик-кимёвий хусусиятларини ЮҚХ, ЮССХ, ИҚ, УБ, LC-MS, GC-MS ва рентген усуллари ёрдамида ўрганиш;

бетулин ва айрим ҳосилаларининг назарий жиҳатдан фазовий тузилишини ўрганиш мақсадида ChemOffice дастурининг эмпирик усули (MM2) ва Hyperchem дастурининг яримэмпирик усуллари (PM3, RM1, AM1) ёрдамида квант-кимёвий ҳисоблашлар ўтказиш;

бетулиннинг  $\text{Fe}^{2+}$  аскорбат ёрдамида чакирилган митохондрия мембранасида липидларнинг пероксидли оксидланиш жараёнига таъсирини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон ҳудудида ўсувчи *Betula pendula* Roth, бетулин, турли табиатли алифатик, ароматик ва гетероциклик бирламчи аминлар, глицирризин кислотасининг моноаммонийли тузи (ГКМАТ) ва бетулинни турли усуллар ёрдамида модификациялаш маҳсулотлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни кимёвий ўзгаришлар, супрамолекуляр комплекслар, тузилиш, компьютер моделлаштириш, кимёвий ўзгаришлар, мураккаб эфирлар, супрамолекуляр комплекслар, тузилиш, реакция қобилият, компьютер моделлаштириш, биологик фаолликларни аниқлаш ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот иши натижаларини олишда моддаларни филтрлаш, тозалаш, қайта кристаллаш, хроматография (ЮҚХ, ЮССХ, СХ, ГХ), УБ-, ИҚ-, квант-кимёвий ҳисоблашлар (ChemOffice (MM2), Hyperchem (PM3, RM1, AM1), PASS online) ва биологик тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор *Betula pendula* Roth ўсимлиги таркибидан турли эритувчилар ёрдамида бетулин ажратиб олинган ва экстракция шароити оптималлаштирилган;

бетулин ажратиб олишда экстрактнинг унуми жиҳатидан 96% ли этанол, экстаркт таркибидаги бетулиннинг тозалик даражаси жиҳатидан бутанол-2 энг яхши эритувчи мос келиши аниқланган;

бетулинни этанол ёрдамида ажратиб олинганда экстракт таркибидаги моддалар сони камроқ бўлиши ЮССХ ёрдамида аниқланган;

бетулиннинг турли бирикма (ГКМАТ, ПВП, Na-КМЦ ва декстрин)лар билан сувда эрувчан супрамолекуляр комплекслари синтез қилинган;

бетулинни Джонс реактиви билан оксидланиш жараёни  $Fe^{3+}$  катализаторлигида олиб борилганда юқорироқ унум билан бетулон кислота синтез қилинган;

бетулон алдегининг турли табиатли (ароматик ва гетероциклик) бирламчи аминлар билан 10 та янги Шифф асослари синтез қилинган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

илк бор республикаимиз ҳудудида ўсувчи *Betula pendula* (Roth) ўсимлиги таркибидан экстракция усули ёрдамида бетулин ажратиб олишнинг самарали усули ишлаб чиқилган;

бетулин ажратиб олишда унум ва тозалик даражаси жиҳатидан энг яхши эритувчилар аниқланиб, экстракт таркибидан бетулин моддасини тозалаш учун қулай усул ишлаб чиқилган;

ажратиб олинган бетулин моддасининг қўлланилиш соҳасини янада кенгайтириш мақсадида унинг сувда эрувчан шакллари синтез қилиниб, уларнинг тузилиши УБ, ИҚ ва ЮССХ усуллари ёрдамида исботланган;

бетулиннинг таркибида N (азот) сакловчи бирикмалари нисбатан кам ўрганилганлиги ва уларнинг биологик фаолликлари юқори бўлганлигини инобатга олиб, бетулин асосида олинган бетулон алдегидидан янги 10 та Шифф асослари синтез қилинган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий хроматография (ЮҚХ, ЮССХ), УБ-, ИК-, масс-спектрометрия (GC-MS, LC-MS), рентген-дифрактометрия, квант-кимёвий ҳисоблашлар (ChemOffice (MM2), HyperChem (PM3, RM1, AM1), PASS online), биологик ва бошқа тадқиқот усуллари ёрдамида олинган натижалар асосида ишончли тарзда таҳлил қилинган.**

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки ўсимлик таркибидан бетулин ажратиб олишда экстракция жараёнида ажратиб олинадиган экстракт миқдори ва таркибига эритувчи, унинг миқдори, концентрацияси ва экстракция вақтининг таъсири, экстракт таркибидан бетулинни тоза ҳолда ажратиб олишда қайта чуқтириш усули самаралироқ эканлиги, бетулин асосида олинадиган мураккаб эфирлар, супрамолекуляр комплекслар, бетулон кислота синтез қилиш жараёнларига таъсир қилувчи асосий омиллари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республикаимиз ҳудудида ўсувчи *Betula pendula* (Roth) ўсимлиги таркибидан экстракция усули ёрдамида бетулин ажратиб олинган ва экстракция жараёни оптималлаштирилган, ажратиб олинган бетулиннинг антиоксидант таъсирга



билан ҳосил қилган Шифф асосларини қўллаш орқали чиқинди сувлар таркибидаги кобальт (II) ва никел (II) ионларини аниқлаш усулларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** *Betula pendula* Roth ўсимлигидан турли усуллар ёрдамида ажратиб олинadиган бетулин ва уни турли усуллар ёрдамида модификациялаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бетулон алдегидининг аминантипирин ва 2-амино, 4 нитропирдин билан ҳосил қилган Шифф асослари «Муборак газни қайта ишлаш заводи» АЖда амалиётга жорий қилинган («Муборак газни қайта ишлаш заводи» АЖнинг 2021 йил 30 августдаги 822/ГК-08-сон маълумотномаси). Натижада, чиқинди сувлардан кобальт (II) ва никел (II) ионларини аниқлаш имконини берган;

бетулиннинг  $Fe^{2+}$  аскорбат ёрдамида чакирилган митохондрия мембранасида липидларнинг пероксидли оксидланиш жараёнига таъсири натижаларидан №Ф-6-05 "Полифенол ва тритерпеноидларнинг янги ҳосилаларининг антибиотиклар таъсирига резистент булган патоген бактерияларга қарши фаоллик таъсир механизмини ўрганиш" мавзусидаги фундаментал лойихада  $Fe^{2+}$  аскорбат ёрдамида тритерпеноидларнинг антиоксидантлик хусусиятларини аниқлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 4 февралдаги 89-03-1211-сон маълумотномаси). Натижада, бетулин таъсирида тажриба учун олинган оқ қаламушларда сувда сузишга боғлиқ стресс чакирилган шароитда ҳам эркин радикалларга боғлиқ оксидланиш жараёни фаоллигини сусайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 13 та, жумладан 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан 3 та мақола республика ва 3 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бетулин: тузилиши, хоссалари, айрим хосилалари (адабиётлар таҳлили)**» деб номланган биринчи бобида бетулиннинг табиатда учраши, табиий манбаалардан ажратиб олиш усуллари, тузилиши ва унинг хоссалари бўйича адабиётлар таҳлили, бетулиннинг хосилалари ва уларни синтез қилишнинг физик-кимёвий хусусиятлари, биологик фаолликлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Таҳлил натижаларига кўра бетулин ва хосилаларининг аксарияти антиоксидантлик, ОИВ вирусига, гепатопротекторлик ва кўплаб замбуруғларда қарши фаолликларга эга. Кам дозали препаратлар яратишда супрамолекуляр кимё усулларида фойдаланиш натижасида препаратлар сувда эрувчан шаклга ўтади ҳамда биологик фаоллиги бир неча мартаба ортиши каби натижалар ва улардан қилинган хулосалар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бетулин ажратиб олиш, оптималлаш ва айрим хосилалари синтези, уларнинг тузилиши ва биологик фаоллигини таҳлил қилиш (Олинган натижалар таҳлили)**» деб номланган иккинчи бобида республикамизнинг тоғли ҳудудларида ўсувчи *Betula pendula* ўсимлиги пўстлоғидан бетулинни ажратиб олиш, ажратиб олиш усулини оптималлаш, алифатик ва ароматик карбон кислоталар билан мураккаб эфирлари синтези, турли усуллар билан бетулиннинг оксидланиш маҳсулотларини олиш, бетулон алдегидининг аминобирикмалар билан Шифф асослари синтези, ПВП ва ГКМАТ билан комплекслари олиниши, уларнинг тузилишини физик-кимёвий усуллар билан аниқланиши баён этилган.


*Betula pendula* ўсимлиги пўстлоғидан бетулин ажратиб олиш учун республикамизнинг Зомин туманида ўсадиган ок қайин дарахтидан фойдаланилди. Қуриштиб майдаланган пўстлок этанол, пропанол-1, пропанол-2, бутанол-1, бутанол-2, изобутил спирти, изоамил спирти ва ацетон каби эритувчилар билан экстракция қилинди. Олиб борилган тажрибалар асосида эритувчи сифатида этанолдан фойдаланилганда бетулин ажратиб олиш унуми юқори бўлиши аниқланди. Кейинги ишларда этанолда экстракция қилиш жараёнини оптималланди. Бунда экстракция вақти 3 соат, эритувчи концентрацияси 96% ва миқдори 1:20 гидромодул бўлганда энг оптимал натижа олиниши аниқланди.

Ажратиб олинган экстрактларнинг унуми, суюқланиш ҳароратлари, таркиби дастлаб юққа қатламли хроматография (ЮҚХ) ва юқори самарали суюқлик хроматографияси (ЮССХ) усуллари ёрдамида ўрганилди.


Тури эритувчилар ёрдамида экстракция қилиш натижалари

№	Эритувчи	Экстракт массаси (г)	Бетулин миқдори (%)	R <sub>f</sub>	T <sub>сулик</sub> °C
1	Этанол	36	56	0.35 0.56 0.70	232-234
2	Ацетон	28	68	0.37 0.55	235-237
3	Пропанол-1	26	72	0.23 0.56	242-245
4	Пропанол-2	17	74	0.25 0.55	243-244
5	Бутанол-1	11	83	0.55	255-256
6	Бутанол-2	17.5	89	0.56	258-260
7	Изобутил спирти	14	84	0.56	256-258
8	Изоамил спирти	10	71	0.30 0.56	236-239

Олинган натижалардан кўриш мумкинки экстракция жараёнида фойдаланилган эритувчилардан унум жиҳатидан этанол, бетулиннинг тозалик даражаси жиҳатидан бутанол-2 яхши натижа бериши аниқланди. Шунингдек этанол ёрдамида олинган экстракт таркибида бошқа эритувчиларда ажратиб олинган экстрактларга нисбатан камроқ қўшимча моддалар борлиги аниқланди.




1-расм. Этанолда олинган экстрактив модданинг ЮССХ таҳлили



2-расм. Бутанол-2 олинган экстрактив модданинг ЮССХ таҳлили


Этанолда ажратиб олинган экстракт таркибидан бетулинни тоза ҳолатда ажратиб олишда колонкали хроматография ва эритувчилар ёрдамида қайта чўктириш усуллари қўлланилди.

Дастлаб адабиёт маълумотларини ўрганган ҳолда аралашма декан, пропанол-2 ва пентадеканда қайта чуқтирилди. Қайта чуқтирилган моддалар таркибини текшириш мақсадида ЮССХ таҳлили амалга оширилди. Олинган натижаларга кўра ундеканда қайта чуқтирилган бетулиннинг тозалик даражаси 96% дан юкори эканлиги, деканда қайта чуқтирилган аралашма таркибида 72% ва пропанолда қайта чуқтирилган аралашма таркибида эса 87% бетулин борлиги аниқланди.



3-расм. Ундеканда қайта чуқтирилган бетулин ЮССХ таҳлили

Экстрактив моддалар йиғиндиси таркибидан моддаларни индивидуал ҳолда ажратиш мақсадида колонкали хроматография усулидан ҳам фойдаланилди. Колонкадан ажратиш олиган 13-17 элюентлар бирлаштирилиб эритувчиси учирилгандан кейин қолган бетулиннинг тозалик даражасини текшириш мақсадида ЮССХ таҳлили амалга оширилганда бетулиннинг тозалик даражаси 76% ни ташкил этди.




4-расм. Колонкали хроматографиядан олинган бетулиннинг ЮССХ таҳлили


Экстракция қилиб тозаланган бетулиннинг УБ спектрида 215 нм соҳада ютилиш максимумини кузатиш мумкин. Бу ютилиш максимуми бетулин таркибидаги хромофор гуруҳ (қўш боғ), π-π ва n-π электрон ўтишлар ҳисобига юзага келади. Моддаларнинг УБ спектрини олишда эритувчи сифатида этил спирти ишлатилди. Бетулин таркибида 2 та –ОН гуруҳи, 5 та метил, 1 та изопропенил гуруҳлари ҳамда циклогексан ҳалқаси мавжуд. Бетулин моддаси учун энг характерли частоталардан ҳисобланган –ОН гуруҳининг 3351, 3380 см<sup>-1</sup> соҳаларда интенсив валент тебранишлари намоён бўлади.

Олинган бирикма LC-MS ва GC-MS усуллари ёрдамида текширилди. Натижалар шуни кўрсатадики бирикманинг молекуляр массаси 442 га тенг бўлиб, Масс-спектр натижаларига кўра бетулиннинг молекуляр иони учун 443 m/z га тенг сигнал мавжудлигини кўриш мумкин. Турли тўқнашишлар натижасида молекуляр ионининг парчаланиши ва қуйи молекуляр фрагментларга тегишли сигналлар ҳосил бўлиши кузатилди. Ушбу масс-

спектрларни таҳлил қилиш натижасида ҳосил бўладиган қуйи молекуляр фрагментларни қуйида схема кўринишида тасвирлаш мумкин:



5-расм. Бетулиннинг масс-спектрокопияда парчаланиш схемаси




6-расм. Бетулиннинг LC-MS спектри

Бетулиннинг ЯМР-Н<sup>1</sup> спектрида 0.694 ppm; 0.758 ppm; 0.920 ppm ва 0.956 ppm соҳаларида сигнал ҳосил қилган бўлиб, бу соҳаларда молекуладаги турли 5 та метил гуруҳнинг сигналлари жойлашган. 1.6 ppm соҳадаги синглет сигнал С30 даги метил гуруҳга тегишли. Гидроксил гуруҳ ёнида жойлашган протон сигналлари бир-биридан фарқ қилади. 3.33; 3.55; 3.97; 4.62 ва 4.78 ppm соҳалардаги сигналлар турли водород атомларига тегишлидир. Юқоридаги сигналлар адабиёт маълумотлари билан солиштирилганда, ушбу сигналлар бетулин моддасига тегишли эканлиги исботланди.


**Бетулиннинг турли карбон кислоталар билан мураккаб эфирларини олиш**

Бетулиннинг турли алифатик ва ароматик карбон кислоталари билан мураккаб эфирларини синтез қилиш ва тузилишларини ўрганиш ишлари амалга оширилди. Бетулин билан турли карбон кислоталари орасидаги этерификация реакцияси (H<sub>3</sub>PO<sub>4</sub> катализаторлигида) қуйидаги схема бўйича амалга оширилди.




7-расм. Бетулиннинг мураккаб эфирлари синтези

Бетулиннинг сирка кислотаси билан реакцияси натижасида олинган бирикманинг УБ спектридан кўриш мумкинки, бетулин молекуласидаги 270 нм соҳадаги ютилиш максимумининг йўқолганлиги ҳамда, 240 нм соҳадаги ютилиш максимумининг гипсохром силжиши мураккаб эфир ҳосил бўлгандан далолат беради. Бу ўзгаришлар бетулин таркибидаги  $\text{—OH}$  гуруҳининг йўқолиши натижасида келиб чиқади.




8-расм. Бетулиннинг ва бетулин диацетатнинг УБ спектри

ИК-спектр маълумотларидан кўриш мумкинки синтез қилинган мураккаб эфир таркибида эркин  $\text{OH}$  гуруҳига хос бўлган  $3351.71 \text{ cm}^{-1}$  соҳада сигналнинг чикмаслиги реакция натижасида мураккаб эфир ҳосил бўлганлигидан дарак беради. Шунингдек,  $2921,3 \text{ v, cm}^{-1}$ ;  $2853,3 \text{ v, cm}^{-1}$  ( $\text{C—H}$ );  $1730,6 \text{ v, cm}^{-1}$  ( $\text{C=O}$ );  $1641,6 \text{ v, cm}^{-1}$  ( $\text{C=CH}$ );  $1461,4 \text{ v, cm}^{-1}$ ;  $1373 \text{ v, cm}^{-1}$  ( $\text{C—C}$ );  $1226,14 \text{ v, cm}^{-1}$ ;  $1151,11 \text{ v, cm}^{-1}$ ;  $1026,6 \text{ v, cm}^{-1}$  ( $\text{C—O—C}$ ) каби сигналларнинг мавжудлиги реакция натижасида бетулин диацетат ҳосил бўлганлигини кўрсатади 9-расм). Шунингдек, синтез қилинган бошқа эфирларнинг тузилишлари ҳам УБ ва ИК усуллар ёрдамида исботланди.



9-расм. Бетулиннинг ва бетулин диацетатнинг ИК спектри

Олинган маҳсулотнинг тузилиши GC-MS усулида ҳам ўрганилди. Масс-спектр натижаларидан бетулин диацетатнинг молекуляр иони учун  $526 \text{ m/z}$  га тенг сигнал мавжудлигини кўриш мумкин. Турли тўқнашишлар натижасида молекуляр ионининг парчаланиши ва куйи молекуляр фрагментларга тегишли сигналлар ҳосил бўлиши кузатилди.




10-расм. Бетулин диацетатнинг хромато-масс спектри

Олинган натижалардан кўриш мумкинки реакция натижасида бетулин диацетат ҳосил бўлган.

### Бетулиннинг оксидланиш маҳсулотларини олиш


Бетулон кислота олишнинг энг қулай усули сульфат кислотанинг сувли эритмасини хром (VI) оксиди билан аралашмаси (Джонс реактиви)ни бетулинга таъсир эттирилганда олинган. Оксидлаш жараёни 1 соатдан 4 соатгача олиб борилди. Оксидловчи ва бетулин миқдорий нисбати еса 1:3 дан 1:7 нисбатгача ўзгартирилди. Барча тажрибалар  $-5^{\circ}\text{C}$  ҳароратда олиб борилди. Оксидлаш вақтини 1 соатдан 4 соатгача ўзгартирилиши маҳсулот унумини 15.4 фоиздан 54.5 фоизгача оширди.

Хром оксидини бир мол бетулинга нисбатини 3 молдан 7 молгача оширилиши маҳсулот унумини 17.5 фоиздан 55 фоизгача ўзгартиради. Бунда оксидлаш вақти 5 соатдан 0.5 соатгача камаяди. Шунингдек реакция аралашмада катализатор сифатида  $\text{Fe}^{3+}$  тузларини ишлатилиши реакция унумини ошириши аниқланди.




11-расм. Бетулинни  $\text{CrO}_3$  билан оксидлаб бетулон кислота олиш

УБ спектроскопия натижаларидан кўриш мумкинки, бетулин учун характерли бўлган 215 нм соҳадаги максимум интенсивлиги камайган, бетулинда интенсивлиги кам бўлган 245 нм ва 270 нм соҳалардаги янги ютилиш максимумларининг гипсохром силжиши кузатилганлигини кўриш мумкин. Олинган бирикманинг ИҚ-спектридан кўриш мумкинки дастлабки моддада кузатилмаган  $1705,64\text{ см}^{-1}$  соҳадаги карбонил гуруҳига хос ( $\text{C}=\text{O}$  боғига) тегишли сигналлар кузатилганлиги, шунингдек  $3395,25\text{ см}^{-1}$  соҳадаги  $-\text{OH}$  гуруҳига хос сигналларнинг ҳамда  $1641,2\text{ см}^{-1}$  соҳадаги  $\text{C}=\text{C}$  боғига хос сигналларнинг мавжудлиги бетулон кислота ҳосил бўлганидан далолат беради.




12-расм. Бетулин ва бетулон кислотанинг ИҚ спектри

Синтез қилинган бирикманинг рентген таҳлили олинди. Олинган натижалардан кўриш мумкинки, бетулин учун характерли бўлган 10-20 кийматлар оралиғидаги сигналлар ўзгариши аниқ ифодаланган.



13-расм. Бетулинининг ва бетулон кислотанинг рентген таҳлили

Бетулон алдегида олишда ҳам махсус усуллар мавжуд бўлиб, биз кучли оксидловчилар ( $\text{Al}_2\text{O}_3$ ,  $\text{K}_2\text{Cr}_2\text{O}_7$ ,  $\text{H}_2\text{SO}_4$ ) иштирокида оксидлаш жараёнини амалга оширдик. Адабиётлардан маълумки бу усулда оксидланиш маҳсулотларининг нисбати вақтга боғлиқ бўлиб, 20-60 минут атрофида бетулон алдегиднинг чиқиш унуми 60% га тенг бўлади.




14-расм. Бетулидан бетулон алдегида олиш

Шу усулда 20-50 минут оралиғида оксидлаб олинган аралашма колонкали хроматография ёрдамида таркибий қисмларга ажратилди. Бунда асосан 3 хил маҳсулотлар борлиги аниқланди. Асосий таркибий қисми (58%,  $R_f=0.67$ ) ажратилиб тузилиши ўрганилди.

Синтез қилиб олинган бетулон алдегидининг ИҚ-спектридан кўриш мумкинки, бетулин моддасидаги кузатилмаган  $1705,64 \text{ см}^{-1}$  соҳадаги карбонил гуруҳига ҳос ( $\text{C}=\text{O}$  боғига) тегишли сигналлар мавжудлиги, шунингдек  $3395,25 \text{ см}^{-1}$  соҳадаги  $-\text{OH}$  гуруҳига ҳос сигналларнинг йўқолганлиги ҳамда  $1641,2 \text{ см}^{-1}$  соҳадаги  $\text{C}=\text{C}$  боғига ҳос сигналларнинг



мавжудлиги бетулон алдегида ҳосил бўлганидан далолат беради. Шунингдек, бетулон алдегидининг тузилишини исботлаш мақсадида хромато-масс спектроскопия усули ёрдамида ўрганилди. Масс-спектр натижаларига кўра бетулон алдегидининг молекуляр иони учун 439 m/z га тенг бўлган сигнал мавжудлигини кўриш мумкин. Турли тўқнашишлар натижасида молекуляр ионининг парчаланиши ва куйи молекуляр фрагментларга тегишли сигналлар ҳосил бўлиши кузатилди. Бу маълумотлар асосида реакция натижасида бетулон алдегида ҳосил бўлган деган хулосага келиш мумкин.



15-расм. Бетулон алдегидининг ИК спектри




16-расм. Бетулон алдегидининг MS спектри

### Бетулон алдегида асосида Шифф асослари синтези.

Бугунги кундаги кўплаб илмий тадқиқотлар таркибида N сакловчи лупан ҳосилалари: амидлар, нитриллар, оксимлар ва аминокислоталар олиш билан боғлиқ. Бетулиннинг оксо-ҳосилалари ва уларнинг N-сакловчи моддалар билан модификациялари кимёвий фармацевтика саноати учун муҳим аҳамиятга эга.

Бетулон алдегидининг янги азотетинли ҳосилаларини синтез қилишни куйидагича схематик равишда тасвирлаш мумкин:




17-расм. Бетулон алдегида Шифф асослари синтези


Бу ерда R = ароматик, гетероциклик бирикмалар ва глюкозамин. Синтез қилинган янги бирикмаларнинг баъзи физик-кимёвий константалари ўрганилди.

Бетулон алдегидининг анилин билан ҳосил қилган Шифф асоси УБ-спектрида 246 нм соҳада, 330 нм соҳада ҳамда 439 нм соҳада ютилиш максимумларини кўриш мумкин. Бетулон альдегида УБ-спектридаги 235 нм соҳада кузатилган ютилиш максимуми Шифф асосида 246 нм соҳага, 289 нм соҳадаги ютилиш максимуми 330 нм соҳага батахром силжиганини кузатишимиз мумкин. Синтез қилиб олинган бетулон алдегидининг анилин билан Шифф асоси ИК-спектрида  $3479\text{--}3340\text{ см}^{-1}$   $\text{--NH}_2$  гуруҳга тегишли бўлган ютилиш максимумларининг яққол ўзгарганлигини кўришимиз мумкин. Бетулон альдегида спектрида кузатилган  $\text{--CHO}$  гуруҳига тегишли  $1702\text{ см}^{-1}$  даги валент тебраниш интенсивлигини камайиши ва  $1693\text{ см}^{-1}$

сохага сурилиши, дастлабки моддада мавжуд бўлмаган  $1610\text{ см}^{-1}$  сохада -CH=NH- ва =CH-NH- гуруҳлари хос бўлган валент тебранишлари кузатилди. Бу янги боғлар Шифф асослари ҳосил бўлганидан маълумот беради.



18-расм. Бетулон алдегидининг анилин билан ҳосил қилган Шифф асоси ИҚ спектри




19-расм. Бетулон алдегидининг анилин билан ҳосил қилган Шифф асоси УБ спектри

### Бетулиннинг сувда эрувчан шакллари олиш

Бетулини сувда эрувчан ҳолатга ўтказиш учун, ПВП, ГКМАТ, декстрин, Na-КМЦ каби ташувчилар билан 1:2, 1:4 масса (декстрин, Na-КМЦ, ПВП) ҳамда 1:2, 1:4, 1:9 мол (ГКМАТ) нисбатда супрамолекуляр комплекслари синтез қилинди.

Бетулиннинг ИҚ спектридаги  $3400\text{ см}^{-1}$  сохадаги -ОН гуруҳига тегишли бўлган ютилиш чўққисининг супрамолекуляр комплекс ИҚ спектрида  $3355\text{ см}^{-1}$  сохага сурилганини ва чўққилар орасидаги масофанинг кенгайганини кўришимиз мумкин. Шунингдек  $2930\text{ см}^{-1}$  ва  $2867.6\text{ см}^{-1}$  сохадаги ютилиш чўққисининг ҳам кенгайиб сигнал берганини кузатиш мумкин. Бетулин ИҚ спектридаги  $1642\text{ см}^{-1}$  сохадаги ютилиш чўққисининг супрамолекуляр комплекс спектрида  $1644\text{ см}^{-1}$  сохага сурилгани, шунингдек, бетулин ИҚ спектридаги  $1027\text{ см}^{-1}$  даги соха супрамолекуляр комплекс спектрида интенсив ҳолатда намоён бўлганлигини кўриш мумкин. Бетулиннинг ГКМАТ билан 1:4 мол нисбатдаги супрамолекуляр комплексининг УБ спектридан кўриш мумкинки, бетулин молекуласидаги 210 нм сохадаги ютилиш максимумининг гипсохром силжиши ва интенсивлигини ортганлиги, 240 нм сохадаги ютилиш максимумининг интенсивлиги ортиши реакция кетганлигидан далолат беради. Бу ўзгаришлар ГКМАТ таркибидаги хромофор гуруҳлар билан боғлиқ.




20-расм. Бетулиннинг ГКМАТ билан 1:4 мол нисбатдаги супрамолекуляр комплекси ИҚ-спектри



21-расм. Бетулиннинг ГКМАТ билан 1:4 мол нисбатдаги супрамолекуляр комплекси УБ-спектри

Бетулиннинг ГКМАТ билан 1:2 ва 1:4 мол нисбатларидаги супрамолекуляр комплексларининг ЮССХ таҳлиллари олинди. Олинган натижалар, супрамолекуляр комплекслар асосан бетулин ва ГКМАТ лардан

иборат эканлигини кўрсатди.



22-расм. Бетулиннинг ГКМАТ билан 1:4 мол нисбатдаги супрамолекуляр комплекси ЮССХ таҳлили

Бетулиннинг  $Fe^{2+}$  аскорбат ёрдамида чакирилган митохондрия мембранасида липидларнинг пероксидли оксидланиш жараёнига таъсирини ўрганишда тадқиқот объекти сифатида каламуш жигари митохондриялари суспензиясидан фойдаланилди. Липидларнинг пероксидли оксидланиши (ЛПО) муҳитга аскорбат ва  $FeSO_4$  киритиш орқали юзага келтирилди. Модданинг антиоксидант хусусияти даражаси ҳақида малон диальдегиди йиғилиши асосида фикр юритилди.

Бетулиннинг максимал даражадаги ингибирловчи таъсири 10 мкМ концентрацияда 30 минут давомида кузатилиб, оксидланиш индукторлари мавжуд ҳолатдаги ЛПО нинг 100% деб олинган назорат гуруҳига нисбатан 72,8% ни ташкил қилди.

***In vitro* шароитида сувда стресс ҳолати юзага келтирилганда бетулиннинг антиоксидант фаоллигини ўрганиш**

Бетулиннинг *In vitro* шароитида ўтказилган тажрибаларда антиоксидант таъсири унинг малон диальдегиди йиғилишга таъсири орқали баҳоланиб, унинг каталаза фаоллигига таъсири бўйича хулоса чиқарилди.

Назоратга нисбатан стресс чакирилган тажриба гуруҳида малон диальдегидининг миқдори 127% га ортиши кузатилди. Тажриба ҳайвонлари озуқа рационини таркибига антиоксидант сифатида бетулиннинг киритилиши натижасида тажриба гуруҳи ҳайвонлари жигар хужайраларида малон диальдегиди миқдори стрессга нисбатан 62% ни ташкил қилиши аниқланди.

Бетулиннинг *in vitro* шароитида ўтказилган тажрибаларда антиоксидант таъсири унинг малон диальдегиди йиғилишга таъсири орқали баҳоланди. Тажрибаларда бетулиннинг 100 мкг/г туқимага нисбатан олинган спиртли эритмасидан фойдаланилди. Бунда кўрсаткичлар қиймати оксидланишли стресс чакирилган лаҳзадан бошлаб 30 минутда қайд қилинди.

#### Хулосалар

“*Betula pendula* таркибидан бетулин ажратиб олиш, оптималлаш ва айрим ҳосилалари синтези” мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Илк мартаба республикаимиз ҳудудида ўсувчи *Betula pendula* Roth ўсимлиги пўстлоғидан бетулин ажратиб олинди, экстракцияда турли хил кутбли эритувчилардан фойдаланилганда, тозалик даражаси жиҳатидан

бутанол-2, унум жихатидан 96% ли этанол эритмаси энг яхши натижа бериши аникланди;

2. Экстракция жараёнида энг оптимал вақт 3 соат, эритувчи миқдори 1:20 гидромодулда унум энг юқори бўлиши, экстракт таркибидан бетулинни тозалашда қайта чуқтириш усули яхши натижа бериши, энг яхши қайта чуқтирувчи эритувчи эса ундекан эканлиги аникланди;

3. Чикинди сувлардан кобальт (II) ва никел (II) ни чуқтиришда органик реагент сифатида қўлланилиши мумкин бўлган бетулон алдегидининг аминокантипирин ва 2-амино, 4-нитропиридин билан Шифф асослари синтез қилинди ҳамда «Ўзбекнефтгаз» АЖ «Муборак газни қайта ишлаш заводи»да дастлабки сновдан ўтказилди («Муборак газни қайта ишлаш заводи»нинг 30.08.2021 йилдаги 822/ГК-08 сонли маълумотномаси). Натижада чикинди сувлар таркибидаги кобальт (II) ва никел (II) ионларини чуқтиришда органик реагент сифатида қўллашга тавсия этилди.

4. Бетулиндан бетулон кислота олишда Джонс реактиви билан оксидлаш энг яхши натижа бериши, бунда реакция унуми оксидловчи реагент миқдорига боғлиқлиги ўрганилди ҳамда илк мартаба ушбу реакцияда  $Fe^{3+}$  ионлари катализатор сифатида қўлланилганда унум юқори бўлиши аникланди;

5. Бетулин асосида олинган бирикмаларнинг ва бетулон алдегиди Шифф асосларининг биологик фаоллиги PASS дастури ёрдамида online ҳисоб-китоб қилинди, олинган маълумотлар тажрибада натижаларига пропорционаллиги ўрганилди. Бу ҳисоб-китоблар келажакда қимматбаҳо реагентларни иқтисод қилиш ва доривор препаратлар олишга кетадиган вақтни тежаш имконини беради.

6. Илк мартаба бетулиннинг турли сувда эрувчан бирикмалар билан супрамолекуляр комплекслари синтез қилинди, уларнинг таркиби ва тузилиш турли физик-кимёвий усуллар билан ўрганилди. Олинган бирикмалардан биологик фаоллиги юқори бўлган бетулин моддасини тиббиёт ва фармакологияда ишлатиш имкониятини янада оширишда фойдаланиш мумкин.

7. *In vitro* шароитида амалга оширилган тажрибаларда « $Fe^{2+}$  – аскорбат» тизимига боғлиқ оксидланишли стресс шароитида бетулин эркин радикаллар ҳосил бўлишини сусайтириши, тажриба ҳайвонларига бетулин берилиши натижасида малон диальдегиди концентрацияси сезиларли даражада камайиши, *In vivo* шароитида амалга оширилган тажрибаларда оқ қаламушларда сувда сузишга боғлиқ стресс чақирилган шароитда ҳам эркин радикалларга боғлиқ оксидланиш жараёни фаоллиги бетулин таъсирида сусайиши қайд қилинди, бу ҳолат жигар ҳужайраларида бетулин таъсирида малон диальдегиди концентрацияси камайиши орқали тасдиқланди (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 4 февралдаги 89-03-1211 рақамли маълумотномаси).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ  
PhD.03/30.12.2019.K.05.01 ПРИ ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ТУРГУНБАЕВ ШАВКАТЖОН ШУХРАТЖОН УГЛИ**

**ВЫДЕЛЕНИЕ, ОПТИМИЗАЦИЯ ПОЛУЧЕНИЯ БЕТУЛИНА ИЗ  
*BETULA PENDULA* И СИНТЕЗ НЕКОТОРЫХ ПРОИЗВОДНЫХ**

**02.00.10-Биоорганическая химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Фергана - 2021 год**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2021.1.PhD/К370.

Диссертация выполнена в Ферганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)) и Информационно-образовательном портале Ziyonet ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный  
руководитель:**

**Хантбаев Алишер Хамидович**  
доктор химических наук, профессор

**Официальные  
оппоненты:**

**Абдуллаев Шавкат Вахидович**  
доктор химических наук, профессор

**Назаров Отабек Мамадалиевич**  
доктор философии по химическим наукам (PhD)

**Ведущая  
организация:**


**Наманганский государственный университет**


Защита диссертации состоится « 13 » 11 2021 г. в 19<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.К.05.01 при Ферганском государственном университете. (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел: (+99873) 244-44-02, Факс: (+99873) 244-44-93, e-mail: [fardu\\_info@umail.uz](mailto:fardu_info@umail.uz)).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (зарегистрирован за 160 (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел: (+99873) 244-44-02. факс: (+99873) 244-44-93).

Автореферат диссертации разослан « 1 » 11 2021 года.  
(реестр протокола рассылки № 7 от 1.11 2021 г.).



  
**В. У. Хужаев**  
Председатель научного совета  
по присуждению учёных степеней  
д.х.н., профессор

  
**М. Нишонов**  
Учёный секретарь научного  
совета по присуждению учёных степеней  
к.т.н., профессор

  
**Ш. В. Абдуллаев**  
Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению  
учёных степеней д.х.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Сегодня, когда в мире стремительно развивается медицина, выделение лекарственных веществ из состава растений и создание на их основе лекарственных средств, которые оказывают эффективное действие и не имеют побочных эффектов имеет важное значение. В то же время при лечении различных заболеваний, вещества, выделенные из растений по сравнению с синтетически полученными веществами, характеризуются высокой биологической активностью, низким уровнем токсичности и отсутствием побочных эффектов. Поэтому выделение соединений с высокой активностью, получение на их основе новых лекарственных средств из производных, полученных модификацией природных соединений, имеет особое значение.

В мире проводятся научные исследования по выделению биологически активных природных веществ. В связи с этим особое внимание уделяется совершенствованию методов выделения природных метаболитов, разделению биологически активных веществ новыми методами, получению новых N-содержащих продуктов и водорастворимых супрамолекулярных комплексов с различными водорастворимыми соединениями, особое внимание в терапии заболеваний уделяется применению препаратов на основе тритерпеноидов лупанового ряда.

В нашей республике проводятся широкомасштабные мероприятия по выделению новых биологических соединений на основе местного сырья, синтезу новых производных путем их модификации, созданию на их основе различных противоопухолевых препаратов. В стратегии действий, направленных на дальнейшее развитие Республики Узбекистан, определены важные задачи, направленные на "Производство готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, усвоению новых видов продукции и технологий, обеспечение конкурентоспособности национальных товаров на внутреннем и внешнем рынках<sup>2</sup>". В связи с этим важное значение имеет синтез на основе бетулина препаратов, применяемых против вирусов и бактерий, вызывающих различные инфекционные заболевания и применение их в медицине.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», ПП-3983 от 25 октября 2018 года "О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Узбекистана", УП-4265 от 3 апреля 2019 года "О дальнейшем реформировании химической промышленности и повышении инвестиционной привлекательности", а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями**

<sup>2</sup>Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Узбекистана VI. Химические технологии и нанотехнологии.

